

ТАРИХНИ СЎЗЛОВЧИ ТАНГА-ТИЛСИМОТЛАРИ.

Насимов Д.Б.

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси “Нақшбандия тариқати”

музей филиали мудир Носирова С.С. “Гидамлар”

музей филиали катта илмий ходими

Аннотация: Одамлар орасида турли нарсаларни айирбошлаш қадимги тош давридан пайдо бўлган. Шунинг замирида вақт ва даврнинг ўтиши билан инсон тафаккурининг ортиб бориши натижасида муомалада янада қулай бўлган юқори қийматли, осон бўлинадиган товар-пулга эҳтиёж тугила бошланган. Ниҳоят одамлар шундай пул сифатида металл маҳсулотларини танлайдилар, айнан металл пулларни узоқ сақлашнинг имконияти мавжуд бўлган. Мана шундай тангалардан - Вима Кадфиз зарб этган металл тангани мисол қилишимиз мумкин.

Калит сўзлар: Нумизматика, металл пул, айирбошлаш, рассом-кандакор, Вима Кадфиз, кушон, танга майдони, Ҳиндистон, Шива худоси, маъбуд, тасвир, металл.

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, одамлар орасида турли нарсаларни айирбошлаш қадимги **тош давридан** пайдо бўлганлигини шохиди бўламиз. Аввал қабила ичида, маълум вақт ўтиши билан қабилалар-аро айирбошлаш пайдо бўлган. Йиллар, асрлар ўтиши билан айирбошлаш учун мўлжалланган молларнинг хиллари кўпайиб борган. Ва ниҳоят жамият тараққиётининг маълум босқичида айирбошлаш ўртада воситачи товарнинг, пайдо бўлишини тақозо қила бошлади. Айирбошлаш учун ажратилган моллар воситачи товарнинг қиймати билан аниқланадиган бўлди. Бу воситачи товарлар одамлар билган биринчи пул эди. Пулнинг пайдо бўлиши айирбошлаш олди-сотдига айланганлигидан, савдонинг вужудга келганлигидан далолат берган. Масалан: деҳқончилик билан шуғулланувчи қабилалар орасида пул ўрнини деҳқончилик маҳсулотлари босган бўлса, овчилик билан шуғулланувчи қабилалар орасида тери шундай ролни ўтаган. Чорвачилик билан машғул бўлган қабилалар орасида эса пул хизматини қорамоллар бажарган. Шундай бўлса-да, кўп халқлар орасида қорамолларда ифодаланган пул формаси кенг тарқалган. Бозорга олиб чиқилган товарларнинг нархи қўй ва ҳўкиз билан баҳоланган. Масол учун бир бош қўй бешта ҳўкиз терисига, ўнта сопол идиш ёки бўлмаса ярим қоп арпага тенг бўлиши мумкин, яъни ҳамма нарса қўйга нисбатан баҳоланган. Агар деҳқон ярим қоп арпани бозорга олиб чиқиб алиштирмоқчи бўлса, унга ўнта сопол идиш олиши мумкин бўлган.

Шунинг замирида вақт ўтиши билан инсон тафаккурининг ортиб бориши сайин муомалада янада қулай бўлган юқори қийматли, осон бўлинадиган товар-пулга эҳтиёж туғила бошланган. Бундай пул узок вақт изланди ва ниҳоят одамлар шундай пул сифатида металл маҳсулотларини танлайдилар. Чунки металл пулларни узок вақт сақлаш мумкин эди. Мана шундай металл пуллар эса ҳозирги кунда Бухоро давлат музей-қўриқхонаси Нумизматика фондида 30 мингдан ортиқ турли даврларга оид металл тангалар сақланиб келинмоқда. Ушбу металл тангалар Грек-Бақтрия ва суғдлар яшаган даврдан бошлаб токи мустақиллик йилларигача бўлган даврнинг тангаларини ўз ичига олади. Бу даврдаги тангалар - ноёб санъат асаридир. Ушбу тангаларнинг қолипларда айёрлаган рассом-кандакорни ҳақиқий санъаткор дейиш мумкин. Чунки улар олдин санъатда маълум бўлмаган ҳаётий ва эстетик янгиликларни зўр бадий маҳорат билан тасвир эта олганлар. Улар яратган асарлар неча асрлардан бери одамларни ҳаяжонлантириб, тўлқинлаптириб келмоқда. Бунинг боиси шундаки, мазкур тангаларда халқларнинг эстетик диди ва бадий тафаккури ютуқлари ўз ифодасини топган. Энди республикаимиз ҳудудидан топишган Кушон шоҳларининг тангаларига назар қаратсак, қадимда турли халқлар орасида улуғланган маъбудлардан баъзиларининг тангалардаги ифодаси ва улар билан боғлиқ бўлган диний тасаввурларини кўриб чиқамиз. Маълумки, танганинг икки: олд (аверс) ва орқа (реверс) томони мавжуд. Танганинг ҳар иккала томонига ҳам расмлар ва ёзувлар туширилган бўлади. Расм ва ёзувлар тасвирланган майдон «танга майдони» деб аталади. Биз ҳозир тариф бериб ўтадиган тангаларимиз милодий I асрга тааллуқли бўлган Кушон подшолиги даврига оиддир. **Биринчи навбатда тилга оладиган тангамиз** Кушон давлати ҳукмдори Вима Кадфиз (47-78 йилларда тахминан 30 йил подшолик қилган) ўз ҳукмронлиги даврида зарб этилган мис²⁰ танга музей кўргазмалари ва фонд захира хоналарида сақланиб келинмоқда. Ушбу танга кўп асрлар давомида тупроқ остида қолиб кетганлиги ва кучли занглаган бўлганлиги сабабли тасвирлар хиралашганлигини кузатиш мумкин. Танганинг олд қисмида ҳукмдор Вима Кадфизнинг тўлиқ кўриниши яъни бош қисмдан токи оёқ қисмигача қаддини тик тутган ҳолати тасвирланган. Ўнг қўли чап томонда қурбонгоҳ устунига тушурилган, чап қўли бел қисми камарида эканлигини кўриш мумкин. Подшоҳнинг эгнида тиззасини қоплаган кафтан – чакмон кийган²¹ ва юзи ён томонидан акс этган шоҳ, меҳроб олдида тик турганича қандайдир диний ибодат адо этаётганлигини кузатиш мумкин. Танганинг сақланиш ҳолати яхши бўлмаганлиги сабабли хирароқ кўринишга эга.

²⁰ Mis - Cu - [Mendeleyev davriy sistemasining](https://uz.wikipedia.org/wiki/Mis) 1 guruhiga mansub kimyoviy element. Tartib raqami 29, atom massasi 63,546. Tabiiy Mis ikkita barkaror izotop 63Cu(69,1%) va 65Cu(30,9%)dan iborat. Sun'iy radioaktiv izotoplardan 61Cu, MCu muhim. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Mis>.

²¹ Е.В.Зеймаль "Древние монеты Таджикистана". 1983 г. 182-бет



Кушон ҳукмдори Вима Кадфизнинг тангасининг орқа (реверс) томонида ҳиндларнинг бош маъбудларидан бири - Шива худоси билан буқазеби тасвирланган. Маълумки Шива-рақс, бўрон ва серпуштлик маъбуди ҳам ҳисобланган. Ушбу тангада тасвирланган расм заминида қандай мазмун ётади деган фикр уйғонади? Гап шундаки, Ҳиндистонни Кушон шоҳларидан биринчи бўлиб Вима Кадфиз забт этган эди. У ўз ғалабасини ҳиндлар орасида мустаҳкамлаш ва уни янада ёйиш учун ҳиндлар маъбуди Шивани ўзига ҳомий қилиб олган. Шу билан бирга унинг ғалабаларига Шива раҳнамолик қилганлигини қайд қилмоқчи бўлган. Вима Кадфиз шоҳлиги даврида Кушонлар салтанатининг пойтахти Ҳиндистон территориясида бўлганлиги маълум.

Демак дунё халқлари ҳаётида пул катта аҳамиятга эга бўлган. У минг йиллар давомида инсонларга айирбошлаш воситаси бўлиб хизмат қилиб келган ва келмоқда. Тангалар ўз даврида қандай металлдан ясалганлигига қараб, уларнинг ерости бойликлари ҳақида гувоҳлик берган. “Тангалар ўтмиш тарихни сўзловчи манбадир” деб бежизга айтилмайди.